ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ — ЗАФАР БАЙРОҒИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 260 (16.343). | 6 ноябрь 1975 йил пайшанба | Баҳоси 2 тийин

ЯШАСИН ЖАҲОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР — ДУНЁНИ РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАШ, КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

НУРЛИ ЙЎЛ

БУТУН тараққийпарвар инсоният совет халқининг буюк байрами — кишилик тарихида янги давр очган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 58 йиллигини байрам қилишга шайланмоқда. Дунёни революцион тарзда янгилаш даврини, капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь ҳақиқатан ҳам ўз миқёси ва кўлами жиҳатидан тенгсиз бўлиб, асрлар ва насллар оша инсоният тарихида абадул-абад муҳрланиб қолади.

«Бу байрам ҳақиқатан ҳам интернационал байрам, барча меҳнат кишиларининг байрами бўлиб қолганлиги билан фахрланамиз, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.— Улуғ Октябрь ғоялари, доҳийлиз ва устозимиз Владимир Ильич Ленин таълимоти бутун планетамиз меҳнаткашлари қалбига яқин ва тушунарлидир. Улуғ Октябрь халқ оммасининг беқиёс куч-ғайратини жўш урдириб юборди, халқ оммаси олдида янги тарихий уфқларни очиб берди».

Бутун совет кишилари қатори республикамиз меҳнаткашлари ҳам буюк байрамни севимли Ватанимиз билан, шонли Коммунистик партиямиз ва жонажон Совет ҳукуматимиз билан чексиз фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқдалар. Улуғ Октябрнинг порлоқ қуёши ёритиб берган шонли йўлимизга назар ташларканмиз, бу йўл мисли-сиз қурашларда улкан зафарларга йўғрилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Партиямиз В. И. Ленининг қолоқ халқлар илгор халқларнинг пролетариати ёрдамида капитализмнинг машаққатли йўлини четлаб, социализмга ўтишлари мумкин, деган доҳиёна кўрсатмасини изчил амалга ошириб, бир вақтлари чоризмнинг чекка ўлкаси бўлган собиқ Туркистонда буюк бунёдкорлик ишларини авж олдириб юборди. Халқларимиз феодализм ботқоғидан улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг бегараз кўмагида социализм осмонига кўтарилди. Эндиликда биз ана шу юксак чўққидан туриб, коммунизмнинг нурафшон манзиллари сари йўл олмоқдамиз.

Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин ўтган эллик саккиз йил тарихда нисбатан жуда қисқа муддат. Аммо қадимий ўзбек диёрида содир бўлган улкан ишлар ва социалистик туб ўзгаришларнинг улуғворлиги ва кўлами жиҳатидан ҳақиқатан ҳам асрларга тенгдир. Совет ҳокимияти йилларида юз берган бу ўзгаришлар республикамиз қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Ўзбекистон ССР ҳозирги кунда бутун дунё олдида гуллаб-яшнаётган, ҳар жиҳатдан юксак даражада тараққий топган Совет Социалистик Республикаси қиёфасида турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳақида гап кетар экан, аввало Совет Иттифоқининг қудратли саноат районларидан бири кўз олдимизга келади. Бу ўринда шундай бир қиёсий мисолни келтириб ўтиш жоиз бўлар. Капиталистик Ғарб учун индустриалаштиришга бир ярим аср керак бўлган бўлса, Совет Ўзбекистонига ва Совет Шарқининг бошқа республикаларига бунинг учун 5 баравар кам муддат — ўттиз йил кифоя қилди. Бу — ижтимоий ва давлат тузумимизнинг, совет халқлари қардошлиги ва биродарлигининг ҳаётбахш кучини кўрсатувчи жонли далиллардан биридир. Республикамизнинг ҳозирги индустриал қиёфаси юздан ортиқ саноат ишлаб чиқариши тармоқларига — энергетика ва химия, нефть ва кўмир, газ ва кон-руда, машинасозлик ва металлургия, электрон саноати ва бошқа кўпгина саноат тармоқларига қарашли 1300 дан зиёд йирик замонавий корхоналардан иборат. Уларнинг конвейерларидан ҳаво лайнерлари ва тракторлар, пахта териш машиналари ва экскаваторлар, тўқимачилик машиналари ва трансформаторлар, электр кабеллари ва бошқа кўпдан-кўп маҳсулотлар чиқарилмоқда.

Республикамиз тараққиётнинг қанчалик улкан уфқига чиқиб олганини 1924 йил билан таққослаганимизда ҳам ҳайратомуздир. Ҳозир Ўзбекистонда ҳар икки ярим кунда бутун 1924 йилда ишлаб чиқарилган миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шу йиллар ичида саноат маҳсулоти ҳажми 144 баравар, 1940 йилдагига нисбатан эса 12 баравар ошди. Ҳозирги пайтда республикада ишлаб чиқарилаётган электр энергияси революциядан илгариги бутун Россияда ишлаб чиқарилганига нисбатан 10 баравар кўпдир. Машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқариш кейинги ўттиз беш йил мобайнида 450 баравар ўсди. Ўзбекистон мамлакатнинг барча пахтакор республикаларига қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берадиган асосий база бўлиб қолди.

Социализм Ватанимиздаги барча халқлар қатори республикамиз меҳнаткашларининг ҳам талант ва қобилиятларига кенг йўл очиб берди. Илм-фан, маданият барқ уриб ривожланмоқда. Республикамиз фанининг штаби бўлган Фанлар академиямиз Совет Иттифоқи ва жаҳон фани равнақига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Совет ҳокимиятининг илк йилларидаёқ улуғ доҳийимиз В. И. Ленин Ўрта Осиё учун суғоришнинг буюк аҳамиятини башорат қилган эди. «Суғориш ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди» деб таъкидлаган эди доҳийимиз. В. И. Ленининг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва суғориш ишларини ташкил қилиш тўғрисида Декрет»ни имзолагандан бўён ўтган йиллар ичида улкан сув омбарлари, гидротехника иншоотлари қурилди, Мирзачўл ва Қарши чўлларида, Марказий Фарғона ва Сурхон — Шеробод воҳаларида, Амударё этаклари ва бошқа районларда 1,5 миллион гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилди.

Республикамизнинг асосий бойлиги бўлган пахта етиштириш Совет ҳокимияти йилларида нескин кўпайди. Революцияга қадар ўтган эллик етти йил мобайнида республикамизнинг ҳозирги территориясида бор-йўғи 6 миллион тонна ёки йилига ўрта ҳисобда 100 минг тоннадан пахта етиштирилган бўлса, республика ташкил топгандан бўён ўтган йиллар мобайнида 100 миллион тоннадан зиёд пахта етиштирилди. Бугунги кунда 5 миллион 200 минг тонналик «оқ олтин» чўқисини ратиш учун қаҳрамонона кураш бормоқда.

Улуғ Октябрь мамлакатимиз тақдирида, унинг халқлари тақдирида буюк бунёдкорлик ролини ўйнади. Ўтмишда империализмнинг энг заиф халқаси бўлган Россия эндиликда жаҳон халқларига янги ижтимоий тузумнинг пиночи ва байроқдори, ер юзида барча халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодат ўрнатишнинг йўлчи юлдузи бўлиб турибди. Мамлакатимизнинг дунёда турли ижтимоий тузумлардаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини реал воқеликка айлантиришдан иборат ленинча Тинчлик программаси изчил амалга оширилмоқда. Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Умумевропа кенгашининг муваффақиятли ўтказилганлиги леннича ташқи сиёсатимизнинг яна бир катта зафари бўлди. Тинчлик, ҳамкорлик ва хавфсизлик ғоялари бутун планетамиз узра ҳукмрон ғояга айланмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 58 йиллик байрами муборак бўлсин, азиз дўстлар!



МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Вера Ивановна Солдатова мажбуриятни ҳисобига охирги метр газламаларини топширди: у 4 йилу 10 ой мобайнида ўз дастгоҳидан 3 миллион 11 минг 600 метр газлама топширди. Орзиқиб кутилган маррага етиб келди — икки беш йиллик план бажарилди.

Вера Ивановка ўзкнинг сменадоши Лидия Павловна Казанцевадан кейин, партия XXIV съезди арафасида нормадаги 24 та ўрнига 48 та станокда ишлай бошлади. Лидия Павловна Казанцева ҳам, Вера Ивановна Солдатова ҳам шунча кўп дастгоҳда ишлаши билан бирга нукул аъло сифатли маҳсулот топширмоқдалар. Уларнинг иш унуми ҳамиша юксак — 110-115 процент.

* * *

«Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари ва корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажми бўйича тўқизинчи беш йиллик топшириғини барвақт, 22 октябрда бажардилар. Бош бошқарма 1971 йилдан бошлаб 2 миллион 760 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой бинолари, 67 та болалар боғчалари ва ясларини, беш юздан кўпроқ саноат ва маданий-маиший объектларни қуриб фойдаланишга топширди.

«Главташкентстрой» ходимлари йил охиригача беш йиллик планга қўшимча равишда 40 миллион сўмлик иш бажаришга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ИНДУСТРИЯ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан шу йилнинг ўн ойлик планини 104,5 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 102,7 процент бажарди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,8 процент, меҳнат унумдорлиги 5,9 процент ошди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ўн ойлик планини Қорақалпоғистон АССР, республиканинг барча областлари ва Тошкент шаҳри бажарди.

Қорақалпоғистон АССР, республика областлари ва Тошкент шаҳри бўйича планнинг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди: (1-устун маҳсулотни реализация қилиш планининг октябрь ойида бажарилиши, 2-устун январь—октябрь ойларидаги бажарилиш процента, 3-устун январь—октябрь ойларидаги ялпи маҳсулот 1974 йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида, 4-устун пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот —йиллик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

Ўзбекистон ССР	104,5	104,5	109,8	81,3
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	101,0	106,3	115,3	75,3
Андижон области	108,0	107,8	106,8	86,7
Бухоро области	101,6	102,9	109,7	113,5
Жиззах области	104,2	107,2	116,3	126,7
Қашқадарё области	103,3	105,4	112,5	72,7
Наманган области	107,2	107,2	110,8	86,2
Самарқанд области	105,1	105,3	108,9	98,3
Сурхондарё области	107,5	105,5	103,9	76,2
Сирдарё области	110,5	108,5	115,0	83,3
Тошкент области	105,5	103,7	109,9	73,8
Фарғона области	104,0	104,0	108,1	72,1
Хоразм области	103,8	104,8	115,8	73,3
Тошкент шаҳри	103,4	103,9	110,1	76,3

Шу билан бирга айрим корхоналар планни уддалай олмадилар. Корхоналар орасида Самарқанд суперфосфат заводи, Тошкент мебель комбинати, Нукус мебель фабрикаси, Қўқон хром чарм заводи, Қибрай алкоголсиз ичимликлар комбинати ва бошқалар бор.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари беш йиллик якунловчи йилнининг планлари ва социалистик мажбуриятлари республикамизнинг барча саноат корхоналари томонидан муваффақиятли бажарилиши учун зарур чораларни кўришлари керак.

МИРТЕМИР.

БАХТ ҚУШИҒИ

...Шу ўзгариш бўлмасайди, қайдан билай, ким бўлардик.
Ким бўлардик — шум, бевафо исканжада не бўлардик!
Ана миршаб, деса бироз бешикларда жим бўлардик,
Алиф эмас, лом бўлардик, мим бўлардик, бе бўлардик.

Шу инқилоб бўлмасайди ўша-ўша шўр пешона.
Не билайин, қайси даштда қолур эди суяклар ҳам.
Майли эди дастгоҳ сабаб — кун ўтса ҳам ғарибона,
Титрашмаса изғиримда юпун, арвоқ ғўдаклар ҳам.

Бахт жуда ҳам кулса мен ҳам бўлурдим-да балки деҳқон,
Қўш хўкизинг бўлса агар қўшчилик ҳам чакки эмас.
Е темирчи бўлурмидим, болга уриб топардим нон,
Болгаликлар, болталиклар ҳар қалай кўп дакки емас.

Е подачи бўлурмидим қишлоғимда ёки чўлиқ,
Е қароқчи, от ўғриси, ё қимор6оз, кўксов ёнчи.
Е тиланчи, бободарвеш, кўзлар ҳира, ранг ҳам сўлиқ,
Ёки соқол оқаргунча сўққа бўйдоқ, эрксиз фолчи.

Е мингбоши эшигида ўтармиди умрим қулдек.
Эҳтимол, бек чарбоғида жиккак боғбон, унсиз қарол.
Ўз-ўзимни юлиб ердим, ич-ичимни кемириб кек,
Е елкамда хўкиз юки, чорбозорда нимжон ҳаммол.

Е ўроқчи, ё бўёқчи, ё улоқчи, ё шувоқчи,
Е тўрт кўча муюлишида аттор, баққол, гўл ё эсар.
Кўрнайчимни, қизиқчимни, ё қалпоқчи, жўн ямоқчи,
Тегирмончи, чала табиб, нўкар ёки каллакесар.

Йигирма йил мадрасанинг тупроғини ялаб, балки,
Тўрт эллик хат битолмасдан, юрт кўзига боқолмасдан,
Салла ўраб, [муллалигим шунчалар ҳам мукаммалки...]
Хатто бир сўз [араб ё форс] маъносини чаҳолмасдан...

Е туякаш, ёки кулол, ё капсанчи, ё ясовул,
Ёки саёқ чархчи, дастёр, кўкиори ё беданабоз,
Сўтак мерган ё йилқичи ё балиқчи ё чаповул,
Ёки даллол, ёки дорбоз, қийғир дегрез ё ёғочсоз.

Қозончининг эрки бормиш қайдан қулоқ чиқарса ҳам,
Чўнг чилангар бўлурмидим, ё тункасоз, ё бинокор.
Кетмончининг эрки бормиш, қайдан булоқ чиқарса ҳам,
Е киракаш, ғиронфуруш ёки йўлсиз ғўр тақводор.

Ким бўлмайин, не қилмайин, қай бурчакда кун кўрмайин,
Кўзи очиқ — кўкраги қўр бир бечора бўлурдим-да.
Косиб, қўшчи, ё мардикор — майли қандоқ умр сурмайин,
Қоронғулик гирдобида зор, оввора бўлурдим-да.

Ким бўлсам-да, не қилсам-да бебахт эдим, барҳам эдим,
Чайладами ё кошона — кишандайдим, қўли боғлиқ.
Юзбоши ё бек бўлсам-да — оқпошшога қарам эдим,
Пароканда, тарқоқ, чала, эрки поймол, бағри доғлиқ.

Боринг бўлай қўрғонлик ҳам, қўй-қўзилик, бузоқлик мен,
Барибир-да, тилсиз бир қул, ҳар қадамда сиртмоқ тайёр.
Бўйнимда-чи бўйинтуруқ, занжирбанддим, тузоқлик мен,
Тош-бўронлар, заҳ-зиндонлар, шум замонлар... бўғуқ, ғаддор.

Агар бўлсам Машраб янглиг ёвқур даҳрий ё исёнкор,
Сўз йўқ бир кун [шубҳа қилманг!] товонимдан тилинардим.
Айланамда жоҳил дунё, ғофил дунё, сургун ва дор,
Ҳа, нечоғлиқ зукко бўлмай — қопқонига илинардим.

Оғир кунда мунгдош ҳам йўқ, юпатувчи, қўлловчи йўқ,
Қўлламоқдан ожиз барч — ирим-сирим, қурбонлик, ҳаж.
Диққи нафас, абжақ ҳаёт, ундовчи йўқ, йўлловчи йўқ,
Қўзғалонлар оқибати — қон дарёси... ёвуз ва кеж!

О, инқилоб! О, инқилоб! Ўзинг очдинг кўзгинамни,
О, ёруг тонг! Тонг янглиг онг! Учди олис асрий уйқу.
Қурол олдим, сурон солдим, танидим-да ўзгинамни,
Қалдироқдек бонг эди бу, эрк эди бу, бахт эди бу!

Ҳануз-ҳануз туҳмат тинмас. Гўё ҳануз сўлгин баргман,
Ўз юртимга эгаман-ку, ўз йўлимга эга ўзим.
Ҳануз-ҳануз туҳмат тинмас. Эмиш гўё жувонмаргман,
Йўқ-йўқ, қирчин жувонмардман, олисларни кўзлар кўзим.

Не қаҳроқ чўл — кўм-кўк дунё, тарқоқлик бас, тупроқ яхлит,
Меҳнаткашман — ялчиганман, умрим гўё жарангдор соз.
Шу инқилоб шарофати — умрим ўтар инсон таҳлит,
Довруғим бор, пахтакорман, тўқувчиман, машинасоз.

Ҳамма ҳунар ўз эркимда — чарогбонман, тупроқшунос,
Кимёгарман, чўнг аллома, ўқтам, Ҳабиб Абдулламан.
Ипакчиман, чўпон, кончи—тўй-тамошам ўзимга хос,
Хазинаман, дафинаман, чош қазноқман, мўл тилламан.

Не деса ҳам, десин, майли, бағри куюк —кўзи куюк,
Ўзлигим бор, ўз ўзаним, шаҳарлигим, бўзлигим бор.
Ўз давроним, ўз маконим — жаҳон қадар қиммат, суюк,
Алифбодан — қомусгача жувон тарих — сўзлигим бор.

Эртак мисол оқ саройлар — баланд, мармар бўсагаванк,
Мақтанишга тил айланмас, ўндан бирин чиздим, холос.
Соҳибкорман, ардоқлиман, мўл улушлик, шибағалик,
Яшил боғлар, тошқин сойлар... эсда не бор—тиздим, холос.

Мухандисман ва шифокор, алп даргаман, чўлда сувчи,
Меҳнаткашман — ёруг кунлик, ипак тўнлик, этак-енглик.
Шарафликман, шавкатликман, ўз даврида давр сурувчи,
Ўз эркимда ўз жиловим — ўз қўлимда ҳақ ва тенглик!

Шу инқилоб бўлмаса гар, Ленин ўзи қўймаса қўл,
Шу яхлитлик, шу ёркин бахт дарёлиги қайда эди!
Ёруглиққа, парвозларга қайда эди шу донгли йўл,
Мирзачўлнинг кўкаламзор дунёлиги қойда эди!

Шу инқилоб бўлмаса гар қайда эди бу ёруглик,
Номларимиз ўчганидай ўзлик ўчиб кетмасмиди!
Шукроналар ўқий юз қат—жумҳурият тонгдек тўғлик,
Инқилобсиз ,тўғсиз не эл йўққа кўчиб кетмасмиди!

Чексиз дунё нотинч ҳануз. Нолалардан қулоғим кар,
Бахтим бутун — заррасига зор, нигорон оламлар кўп.
Шундоқ бир бахт эгасиман — арзигулик сопсам-да жар,
Ҳатто унинг шуъласига зор ва нолон одамлар кўп.

О, инқилоб! Евузлиққа, ҳақсизликка тоғ тўсиқсан.
Шу дунёнинг армонисан, ёруг бахтсан ва қўшиқсан.

Октябрь, 1975.

БАЙРАМГА МУКОФОТ БИЛАН

Октябрь революциясининг 58 йиллиги арафасида, 5 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топширилди. План топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун халқ хўжалиги ва маданияти бир қанча тармоқларининг ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланган эди.

Бир группа ходимларга Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун миннатдорчилик билдирдилар, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага ҳиссамизни қўшамиз, деб ишонтирдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов мукофотларни топшириб, алоҳида ўрнак кўрсатган ўртоқларни Улуғ Октябрь байрами билан саммий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик, бундан кейинги ишларида муваффақиятлар тиледи.

(ЎзТАГ).

Коммунистлар! КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафида борингиз, омманинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

Тошкент метроси қурилиши авж олмоқда. Ер ости йўлини тезроқ барпо этиш мусобақасида турли миллат вакиллари фаол қатнашаётирлар. Суратда: «Чилонзор» станцияси қурилишида фидонорона меҳнат қилаётган йигор арматурачилардан Сафар Дўсимов ва Рафаэль Олимжонов.

И. Глауберзон фотоси.

Давлат университети таъсис этиш ҳақидаги Декретлар ҳам бор эдики, эндиликда, орадан шунча вақт ўтгандан кейин ўша даврни чамалаб кўрган киши, ўша давр машаққатларини кўз олдига келтирган киши Улуғ Октябрнинг мангу барқарорлигига, Улуғ Ленининг мисли сиз башоратига ва Коммунистик партиянинг узоқни кўра билиш салоҳиятига қайта-қайта тан беради.

Ҳамид ҒУЛОМ.

ДАВР ОДИМЛАРИ

Публицистика

Эллик саккиз довоннинг ҳар бирига кўтарилмоқ учун ўтмишдан қолиб келган хурофот, жаҳолат, қолоқлик, чиркин феодал ва буржуа урф-одатлари каби жуда кўп кишанларни парчалаб ташлашга тўғри келди. Озод инсон ўз истиқболи юксаклигига кўтарилган сари бу занг босган кишанлар унинг оёғидан пастга тортмоқчи, унинг ҳаракатини тўхтатмоқчи, унинг парвоз этолмаслиги учун қанотларини қайириб қўймоқчи бўлдилар. Лекин коммунистлар, эрк гулини ҳидлаган инсонлар янги ҳаёт нашъу намоси билан, янги нурли уфқлар сеҳри билан фақат олга ва олга интилдилар, адолатсиз эски дунё юкини елкаларидан улоқтириб ташладилар.

Улуғ Октябрнинг, буюк Ленин даҳосининг жаҳон эътироф этган энг улкан самараси— озод инсонлар иттифоқидир. Коммунистик партия тузилган дастлабки кундан бошлаб, зулм дунёсини ларзага солган шиор ҳам шу: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»— ана шу энг ҳаётбахш, энг қудратли чақириқдир.

МЕН БОЛАЛИК кунларимни ҳамон эслайман. 1924 йилнинг баҳори эди. Тошкент яқинидаги Қумовул қишлоғига бордик. Ер ислоҳоти бошланаётган кунлар эди. Арабча харфлар билан ёзилган катта шиорни ўқиганман. Қизил алвонга: «Куч—бирликда!»— деган сўзлар ёзилган эди. Кейинчалик билсам, ўша қишлоқда камбағал деҳқонларнинг биринчи шеркат — кооперативи тузилаётган экан. Энди мен ўша икки сўздан иборат шиор мазмунини чуқурроқ тушунаман. Куч —бирликда, деганда партиямиз меҳнаткаш халққа шу ҳақиқатни тушунтирган: «Эй, сен озод инсон, шу кунгача золимнинг қамчисидан қалтираган ожиз қул эдинг, чунки сен якка эдинг, энди сен ўз тақдиринг хўжайини бўлишинг керак, зулм тугади, унинг қолдиқларини янчиб ташла, буининг учун аввало ўзинг каби инсонлар билан бирлаш, куч — бирликдадир!»

Мана энди, орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин мамлакатимиз озод ва баркамол халқларининг буюк қардошлик оиласи — Совет Иттифоқи ер юзидаги энг қудратли социалистик давлатга айланган бир замонда биз ҳамиша узоқни кўра билувчи, халқларни фақат ва фақат бахтли ҳаётга, нурли истиқболга чорлагувчи Коммунистик партиямизнинг иқтидори ва башоратига такрор ва такрор таҳсинлар ўқиймиз.

Биз совет халқларининг ленинча буюк қардошлик иттифоқи билан, барча социалистик давлатларнинг ягона ва улуғ ҳамдўстлиги билан чексиз фахрланамиз.

Байрам арафаси кеч куз бўлиб, анча салқин тушиб қолган бўлса ҳам, кўкда ёрқин қуёш бахтимиздек чарақлаб турибди. Бугун халқимиз шу фаслга мўлжалланган ишлари билан машғул. Пахтакорлар ва уларнинг шаҳарлик дўстлари охирги юз минглаб тонна «оқ олтин»ни йиғиб олмоқдалар. Завод ва фабрикалар тўққизинчи беш йиллик планларини адо этиш ва янги беш йиллик вазифаларини бошлаб юбориш билан машғул. Улкан электростанциялар келгуси йил ҳисобига миллиард-миллиард киловатт нур ишлаб чиқармоқдалар. Бутун мамлакатни ва бир қанча социалистик давлатларни «зангори олов» билан таъминлаб турган пўлат қувурлар қуёш нурларида ярқирайди. Илмий лабораторияларда, тажриба станцияларида ишлар қизғин...

Ана шу беғубор ва тиниқ фаслда қадрдон Тошкентимизни сайр қилинг, унинг янги биноларини, обод хиёбонларини, гавжум йўлларини, фонтанлар қайнаб ётган майдонларини томоша қилинг. Москва ва Ленинград, Киев ва Минск, Боку ва Олмаота каби улкан социалистик шаҳарлар қаторида яшнаб, гуркираб турган ва бошқа ҳеч бир шаҳарга ўхшамайдиган ўз кўрки, жамоли билан мафтун қилгувчи бу шаҳри азим тақдири, ҳаёти ва истиқболини фикран чамалаб кўринг. Ахир, сиз кўриб турган бу нурли кошоналар, бу кўрку жамол, бу қудрат ва бу шону шавкат эллик саккиз йил муқаддам буткул бўлакча эди-ку! Эгри-бугри тор кўчалар, пастқам маҳаллалар, нураган пахса деворлар, арава ғилдирагидан ҳам қирсиллаб кетадиган омонат тахта кўприклар, сомон сувоқли пастак томлардан бошқа нима бор эди. Ҳозирги Тошкент, Совет Шарқидаги улкан социалистик шаҳар — бу янги давр маҳсули, ягона буюк оилага бирлашган озод халқлар ижоди, коммунистик қурилиш ва коммунистик фаровон ҳаёт тимсолидир.

Тошкент — нурхона, ижодхона, яратувчилликка тўла баркамол социалистик шаҳардир. Биз Тошкентнинг юздан ортиқ миллат ва халқ фарзандларига ягона макон бўлган жонажон даргоҳ эканлиги билан чексиз фахрланамиз. Биз Тошкентнинг Совет Шарқида қудратли саноатимиз кўрки, социалистик маданиятимиз маскани бўлгани билан фахрланамиз. Биз Тошкентнинг тарихий халқаро анжуманлар муттасил ўтиб турадиган ардоқли марказлардан бири бўлиб қолгани билан фахрланамиз. «Тошкент руҳи» деганда Осиё ва Африка, Европа ва Америка қитъаларида яшайдиган миллиард-миллиард кишилар Улуғ Октябрга ҳамнафас янги дунё, янги коммунистик воқеалик нашъу-намоси ва кўрку жамолини тушунишидан биз чексиз фахрланамиз.

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ, Совет Ўзбекистонининг тажрибаси, поёнсиз мамлакатимиздаги жами қардош халқларнинг тажрибаси империалистик зулм кишанларини парчалаб ташлаган ва янги ҳаёт қуриш йўлига кирган чет эллардаги барча халқлар учун тарихий зарурат бўлиб қолди. Улар ҳам худди биздай яшаш, биздай бахтли бўлишни, ўз ишларини биздай муваффақиятли ташкил қилиш, ўз истиқболларига биздай собит ишонч билан боришни истайдилар.

Шу байрам тонгида мен ажойиб замондошларимни, халқ бахти, Ватан шарафи учун меҳнат мўъжизалари яратаётган ажойиб одамларни чин юракдан қутлайман ва уларга: «Азиз юртдошлар, Сизнинг меҳнатингиз, ижодингиз, жасоратингиз Ватанимиз учун нақадар ардоқли бўлса, жаҳон халқлари учун ҳам шу қадар ардоқли ва ибратлидир, шуни доим ёдингизда тутинг ва фахрланинг!» — дегим келади.

Социалистик тарихимизнинг эллик саккизинчи юксак чўққисидан нурафшон мамлакатимизнинг кенг бағри, ундаги чорак миллиард нафар бахтиёр халқ ва тинимсиз қайнаб турган ғўзал ҳаёт бутун кўрки билан кўринади. Россия дарёлари соҳилларидаги қурилишлар, асримиз ниншоти — БАМдаги меҳнат сурони, Сирдарё ГРЭСининг оқ мармар қопланган биноси-ю Самарқанд минораларидан ҳам баландроқ заррин мўрилари, Каспийнинг зангори тўлқинлари тинимсиз ғувиллаб қучиб турган нефть вишкалари, Шимол денгизидаги атом музёрарлари, минг-минг шаҳарлар ва посёлкалар, осмон тўла қумуш ранг самолётлар, фазода ғувиллаб парвоз этаётган илмий станциялар... — булар ҳаммаси қуёш шуъналарида ярқираб, кўзимизга эзгу ва зебо кўринади.

Янги замон, янги одамлар. Тарих олга ва фақат олга ҳаракат қилади. Башар фақат яхшиликка — эрк, тинчлик ва бахтга интилади. Бизнинг азиз Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи буюк оқ кемалар карвонини эслатувчи озод мамлакатлар сафида дарга кема — карвонбоши ва байроқдор бўлиб, бутун одамзодни, бутун қуррани энг нурли, энг қутлуғ манзилга — Коммунизм чаманларига бошлайди.

Янги социалистик даврнинг бугуни улуғ, эртаси ундан ҳам улуғроқ. Янги социалистик дунё кишиларининг бугуни бахтли ва шарафли, истиқболи бундан ҳам бахтлироқ ва шарафлироқ.

Шу ҳақиқат ва шу ишонч мангу барқарордир!

В. И. ЛЕНИН БИОГРАФИК ХРОНИКАСИНИНГ ОЛТИНЧИ ТОМИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти томонидан тайёрланган «Владимир Ильич Ленин. Биографик хроника» номли китобининг олтинчи томи нашр этилди. Бу китоб 1918 йил июль ойи охирларидан бошлаб 1919 йил 18 мартгача (РКП(б) VIII съездигача) бўлган даврда қарийб саккиз ой мобайнида йўлбошчининг ҳаёти ва фаолиятини ўз ичига олган.

Шу китобга 3300 дан ортиқ фактлар киритилди. Бу эса Владимир Ильич асарларининг шу даврдаги тўла тўпламига киритилган фактларга қараганда етти баравар кўп. В. И. Ленининг 700 га яқин янги ҳужжатлари (хатлар, телеграммалар, резолюциялар, бўйруқлар, ёзувлар, эслатмалар ва шу сингарилар) тўла ёки қисқартирилган ҳолда биринчи марта эълон қилинган.

Китобга киритилган фактлар Коммунистик партия билан Совет давлати йўлбошчиси Ленининг улуғвор даҳосини кўрсатиб беради, В. И. Ленининг кўп қиррали назарий, сиёсий ва амалий, ташкилотчилик фаолиятини, РКП(б) Марказий Комитетида, халқ Комиссарлари Советида, ишчи ва деҳқон мудофаа кенгашида, Советларнинг Умуммиллий Марказий ижроия комитети ишида унинг раҳбарлик ролини акс эттиради.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми юзасидан беш йиллик планни муддатидан олдин, 30 октябрда бажардилар. Йил охиригача беш йиллик пландан ташқари 37 миллион сўмлиқдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади. 1971 йилдан буён ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баравар кўпайди, меҳнат унумдорлиги 33,9 процент ошди.

Андижон, Наманган, Тошкент, Фарғона область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармалари корхоналарининг коллективлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажаришда айниқса ўрнак кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

ФАН ЯНГИ УФҚЛАР ОЧМОҚДА

ЁРҚИН ДОВОН

1918 йилдаёқ илм-фаннинг кейинги тараққиёти учун пойдевор бўлган машҳур «Фан-техника ишларининг хомаки плани»да социалистик фанни ташкил этиш принциплари кўрсатиб берилган. Унда фан она-Ватанимиздаги барча халқлар ва миллатлар учун тенг ҳуқуқли эканлиги ўз ифодасини топган. Босиб ўтилган шонли ва жанговар эллик саккиз йил Ленин ғояларининг тантанасидан гувоҳ бериб турибди.

Бугунги нурафшон ҳаётимиз, юксалишимиз Улуғ Октябрь инқилоби туфайлилиги ҳаммага аён. Жаҳонга ал Хоразмий, Бируний, Абу Али Ибн Сино, Улуғбек сингари кўплаб алломаларни танитган ўлкамиз ўтмишини фақат ифтихор ва ачиниш билан эслаймиз. Феодализм ва чор самодержавиесининг сиёсати туфайли илм-фан йўлига катта ғов ташланган эди.

Бугунги кунда илмий муассасаларнинг катта тармоғи республикамизнинг турли табиий бойликларини ва халқимизнинг маънавий турмушини ўрганмоқда. Олимларимиз олиб бораётган бетиним ишларининг ҳаммаси экономика ва маданиятнинг гуркираб ривожланишига қаратилган.

Ўзбекистонда халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликни юксалтириш борасида катта муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Бундай ютуққа эришишга сабаб нима? Олимларимиз селекция ва уруғчилик, ғўзани парваришлаш ва ишлов агротехникаси ва уни механизациялаш, янги ирригация системаларини ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича диққатга сазовор тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Қисқа вақт ичида пахтачиликда беш миллиондан ортиқ гектар ер эгаллаш айтишга осон! Бундан ташқари қадим Ўзбекистон ер ости «камбағал» деб ҳисобланган территориясининг сирлари очилдики, рангли ва ноёб металлар эл-юрт бойлиги бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси олимларимизнинг топқирлиги ва зукколиги туфайлидир. Қизилқумда ва республикамизнинг бошқа жойларида газ конларининг очилиши ва ишга туширилиши ҳам олимларимиз олиб борган катта изланишлар самарасидир.

Фан-техника революцияси даврида халқ хўжалиги тармоқларини бошқариш системасини мунтазам такомиллаштириб бориши ҳаёт тақозо этяпти. Бунда, шубҳасиз, электрон-ҳисоблаш техникаси муҳим роль ўйнамоғи лозим. Бу соҳада кибернетик олимларимиз ҳам назарий, ҳам амалий масалаларни муваффақиятли ҳал этиб боришмоқда. Улар социалистик ҳамкорлик шартномалари ва алоқанинг бошқа формалари асосида республикамизнинг институт томонидан институтларида автоматлашган бошқарув системасини вужудга келтиришда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Бундай системалар эндиликда Чирчиқ ва Олмалиқдаги химия, Тошкент кабель заводларида ишлаб турибди.

Фақат кейинги тўрт йил мобайнида илмий-тадқиқот натижаларини республика халқ хўжалигига жорий этиш туфайли кўрилган иқтисодий самара қарийб бир миллиард сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон олимларининг математика, табиий бирикмалар химияси, биохимия, биология, физика ва фаннинг бошқа йўналишлари бўйича олиб бораётган тадқиқотлари ҳатто жаҳон миқёсида фахр билан тилга олинмоқда. Олимларимиз ижтимоий фанлар — археология, ҳуқуқшунослик, адабиётшунослик соҳасида ҳам катта изланишлар ўтказмоқдалар. Ўзбекистоннинг социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибасини марксизм-ленинизм позициясида туриб ўрганиш меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнаяпти.

Иқтисодчи олимларимизнинг халқ хўжалигини жонлантириш соҳасидаги ихтиматлари ҳам тақсинга сазовордир. Улар 1990 йилгача бўлган ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш прогнозини ишлаб чиқдилар.

Йилдан-йилга чет эл олимларининг республикамиз илм-фани билан яқиндан танишишга қизиқиши ортиб бораётир. Ҳар йили барча қитъалардан ижтимоий ва табиий фанлар бўйича ўнлаб делегациялар келиб турибди. Уларнинг ҳаммаси илмий-тадқиқотларга юқори баҳо бериб, изланишлар натижаларига қизиқиб қарамоқдалар. Геленоэнергетика, табиий бирикмалар химияси, ирригация, физика, математика, шарқшунослик, археология проблемалари бўйича Польша, Германия Демократик Республикаси, АҚШ, Чехословакия, Ҳиндистон, Афганистон ва бошқа мамлакатлар олимлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Республика Фанлар академияси олимлари партия XXIV съезди қарорларини бажара бориб, илмий-тадқиқотларнинг самарадорлигини тобора оширмоқдалар. Бугунги кунда улар ўзбек халқ ҳаракати — партия XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, қутлуғ анжуманга муносиб совға-саломлар билан бориш учун астойдил ижод қилмоқдалар.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

СЎЗ—ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА

СМЕНАДА 200 ПРОЦЕНТДАН

Муҳтор ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Тошкент «Висотстрой» трести 69-қурилиш бошқармасининг бригадири

Мен ҳам саккиз ташаббускорнинг бириман. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бизнинг ишчиларга катта ишонч билдирди: бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан олган мажбуриятимиз маъқулланди. Ана шу буюк ишончни оқлаш учун ғайрат камарини белга маҳкам боғладик. Ун икки миллат фарзандларидан ташкил топган бригадамиз аҳил коллективи, қурилиш ишларини тезлаштириш учун бутун чораларни кўрмоқда. Топширилган ишни тез ва сифатли, кам ҳаражат билан адо этиш учун кураш ажойиб самаралар бермоқда. Смена топшириқларини 200 процентдан бажармоқдамиз.

Бригадамиз коллективининг муваффақият сирлари шундан, ҳар бир бинокор ўз касбини пухта ўзлаштириб олган. Бунинг устига, ҳар бир қурувчи қўшимча беш-олтитадан касбни ўзлаштириб олди. Маврули келса бригадамиз аъзолари монтажчилик, дурадгорлик, гишт терувчилик, суворчилик, бўёқчилик ишларини ҳам бажариб кетаверишади.

Ҳар бир қурувчи тежамкорликка алоҳида аҳамият беради. Бу эса қурилишда катта аҳамиятга эга. Қурилиш материалларини аввалдан ишлатиш, уларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳар бир бинокорнинг жонажон ишига айланган. Ҳозир бригадамиз аъзолари икки объектда — Кооператорлар уйи ҳамда 1600 ўринли кино-концерт зали қурилишида меҳнат қилмоқдалар. Бу объектларни муддатидан илгари бажариш учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз.

Тошкентни комплекс қуришнишига муносиб ҳисса қўшамиз.

МАСЪУЛИЯТЛИ ҲУҚУҚ

Дилбар ҚУЛМАТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси

Катта ҳуқуқларимиз бор. Лекин бу гал жуда масъулиятли ҳуқуқ ҳақида фикр юритмоқчиман. Бу шундай ҳуқукки, эл-юрт олдида олган катта мажбуриятни шараф билан бажариб, меҳнатда энг катта ютуқларга эришганимиз тўғрисида жонажон партиямиз XXV съездига юборилиадиган рапортга имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлишдир.

Маълумки, шу йил август ойининг бошида биз — Марғилон шойи комбинатининг тўқувчиси Ойша Абдураҳмонова, «Ташсельмаш» заводининг йўнувчи токари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Ефремов, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг оператори Авазжон Валиев ва мен республикамизнинг барча меҳнаткашларини съездга юборилажак меҳнат муваффақиятларимиз ҳақидаги рапортга имзо чекиш ҳуқуқини олиш учун мусобақани авж олдиришга даъват қилган эдик.

Биз, ишчиларнинг ана шу даъватимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади. Бу бизни меҳнатда янги марраларга руҳлантириб юборди. Мен ёш ишчиман. КПСС аъзоси сифатида зиммамга олган социалистик мажбуриятларимни адо этиш учун кураш мусобақасида астойдил меҳнат қилмоқдаман. Партиямиз съездини муносиб кутиб олишга интилиб, июль ойидаёқ нормадаги 26 ўрнига 48 станокда хизмат қилишга ўтдим. Асамат беш йиллигимизнинг якунловчи йил топшириғини 6 сентябрда бажариб қўйдим. Йил охиригача планга қўшимча 200 минг метр газлама тўқиб чиқариш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдим. Ҳозир шу мажбурият ҳисобига сержило газламалар тўқиб чиқармоқдаман.

1976 йил биринчи квартали планини 15 февралгача адо этаман. Квартал топшириғидан ташқари камида 10 минг метр газлама тайёрлаш, маҳсулотни нуқил биринчи сортга топшириш тадбирларини кўрмоқдаман. Шу соҳада қўлга киритилган дастлабки муваффақиятларимни Улуғ Октябрнинг 58 йиллигига бағишлайман.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Маҳмуджон МУЙДИНОВ,
«Ташсельмаш» заводининг слесари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати

Бир беш йиллиқда икки беш йиллик шахсий нормасини бажариш учун кураш мусобақасига қатнашчилари сафида эканлигим билан фахрланаман. Партия ва Ватан олдида берган ваъдани бажариш учун астойдил меҳнат қилиш биз, ишчиларнинг ҳам эзгу ниятимиздир. Шундай ният бизни ҳамиша олга чорлаб туради. Бир беш йиллиқда икки беш йиллик шахсий нормани адо этиш учун кураш мусобақасида фаол иштирок этиб, сўзимнинг устидан чиқдим. Байрам арафасида юксак мажбурият шараф билан адо этилганлигини баралла айтгим бор.

Шу йил 28 августдан буён 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдаман. Биз меҳнатимизнинг нақадар нафли эканлигини жуда яхши биламиз. Заводимиз коллективи тайёрлаб чиқараётган терим агрегатлари пахтакорларнинг оғирини енгил қилаётганлигидан қалбларимиз қувончга тўлади. Биз бундай машиналарни такомиллаштириш ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар қилмоқдамиз. Заводимиз план-топшириқларини ҳамиша знёда адо этмоқда.

Жонажон партиямиз XXV съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдим. Икки беш йиллик топшириғини бажарганимдан то партиямизнинг муборак анжумани очилгунгача бўлган муддат ичида бир йиллик топшириғини бажариб қўйиш учун курашмоқдаман. Тўққизинчи беш йиллик менинг ҳаётимда алоҳида саҳифалар очди. Саккизлар ташаббусининг қатнашчиларидан бири сифатида мажбуриятимни муддатидан илгари бажардим. Шу йиллар мобайнида ўндан ортиқ шогирд тайёрлашга эришдим. Воҳид Мирзаахмедов, Афанасий Ким каби шогирдларим ёнимга киришди, улар мустақил иш бажарадиган бўлиб қолдилар.

1975 — 5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 5 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	мавсум бошидан
ТОШКЕНТ	0,31	113,85	0,15	111,58
СИРДАРЁ	0,47	111,99	0,15	112,09
АНДИЖОН	0,28	109,28	0,14	91,55
ҚҚАССР	0,48	109,20	0,38	97,29
СУРХОНДАРЁ	0,58	103,19	0,90	96,53
ФАРҒОНА	0,46	101,97	0,39	78,61
ХОРАЗМ	0,80	101,89	0,97	66,54
НАМАНГАН	0,37	101,54	0,08	85,10
Қашқадарё	0,47	95,95*	0,64	67,11
Самарқанд	0,70	95,04	0,17	64,02
Жиззах	0,54	94,24	0,11	75,64
Бухоро	0,46	73,34	0,17	17,75
Республика бўйича:	0,49	100,48*	0,34	80,85
Шу жумладан ингичка толали пахта				
НАМАНГАН	1,45	163,35		
СУРХОНДАРЁ	0,99	100,24		
БУХОРО	0,89	100,19		
Қашқадарё	1,10	86,51		
Республика бўйича:	1,03	98,85		

* Маълумот аниқланган.

ДАЛАЛАРИМИЗ САХОВАТИ

Т. ҚИРҒИЗБОЕВА,
«Малик» совхозининг механизатори, СССР Олий Советининг депутати.

Мен «Пахта» деб айтишни «она», «ота», «нон» деган сўзлар билан бир вақтда ўрганганман. Фақат менгина эмас, ўзбек деҳқонининг оиласида туғилган ҳар бир бола ҳам тили чиқиши билан шу сўзни айтишни ўрганган. Қадим-қадим замонлардан бери бизларнинг юртимизда одамлар ўз қувончларини ва бахтларини пахта ҳосили билан ўлчашга одатланганлар. Далада ҳосил мўл бўлса — ҳамма хурсанд: рўзғор тўкин-сочин, фаровон бўлиши турган гап. Пахта ҳосил бермай қолса қийинчилик бошланаверади.

Бутун йил бўйи бир кун бўлса ҳам, бир ой бўлса ҳам пахта тўғрисида ўйламаган вақтимиз бўлмайди. Охирги тола, охирги кўсак териб олиниши билан келгуси йил ҳосилининг ташвиши бошланади. Бунақа ташвишлар кўп: қишда ер ҳайдаш, яхоб суви бериш, ер шўрини ювиш, далаларни текислаш керак. Баҳорда экиш бошланади. Бутун ёз ғўзани суғориш, озиқлантириш, ерни ишлаш билан, кез эса йиғимтерим билан ўтади. Бизнинг ишимиз йил ўн икки ой тўхтамайди.

Етти ёшимдан даладаман. «Оқ олтин» етиштиришга киришганимга чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Ўзим Фарғона водийсида туғилганман. 1949 йилда бутун оиламиз билан Мирзачўлга кўчиб келдик. Бу ерлар тўғрисида кўп эшитганман. Бувиларим ва боболарим бу чўл худонинг қаҳрига учраган, деган афсонани бизга айтиб беришар эди. Ёз бўйи жазирама офтоб, қишда ҳеч вақо йўқ, куз ва баҳорда ҳамма нарсани қоқ-қуритиб юборадиган қуюн ҳукмрон.

Сувсиз қақраган чўл одамнинг тер тўкиб қилган меҳнати билан бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозир мен ишлаб турган «Малик» совхозида бир бинонинг пештоқига Владимир Ильич Ленининг Мирзачўлни ўзлаштиришга 50 миллион сўм ажратиш тўғрисидаги декретидан олинган сўзлар ёзилган. Бу декрет 1918 йилда имзоланган эди. Кўпинча мен бу иш нақадар донишмандлик билан қилинган иш эканлигини ўйлайман. Октябрь революцияси қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Халқ очлик, вайронлик жабрини тортмоқда эди. Мамлакатда граждан уруши бўлиб турибди. Шундай бир пайтда Совет ҳукумати Урта Осиё чўлларини суғориш учун пул топиб берганини қаранг-а.

Ленин декрети қабул қилинганидан сўнг сал ўтмай, партия Совет Иттифоқининг пахта мустақиллиги тўғрисида шиор ташлади. Бу юриш бошланганида деярли ҳеч вақо йўқ эди: 1921 йилда, масалан, Ўзбекистонда ҳамма бўлиб 14,5 минг тонна пахта етиштирилганди. Ҳозирги кунда шунча пахтани ўртача бир колхоз бермоқда. Ҳар йили 20-25 минг тонна пахта етиштириб бераётган хўжаликлар ҳам бор. Советлар мамлакати пахта мустақиллигини 1932 йилда қўлга киритди. Уша маҳалда, масалан, Ўзбекистон 804 минг тонна «оқ олтин» етиштириб берган эди. 1935 йилда бир миллионлик маррага, 1950 йилда икки миллионлик, 1958 йилда уч миллионлик маррага етдик. 1966 йилдан бери республикамиз ҳар йили тўрт миллион тоннадан зиёдроқ пахта етиштирмоқда. Утган йил кузда орзу қилинган мақсадга етдик — беш миллион тонна пахта етиштирдик. Ҳозирги пайтда тайёрлов пунктларига элтиб берилган пахта 4 миллион 700 минг тоннадан ошиб кетди. Демак, пахтанинг ҳар бир гектаридан 30 центнердан мўлроқ ҳосил олинди. Шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистон кейинги беш йил ичида мамлакатга 24 миллион тоннадан кўпроқ пахта сотди.

Бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб қувонасан киши. Мен бошчилик қилаётган звено бу йил ҳар гектар ердан 45 центнерга етказиб пахта олди, бизнинг совхозимиз мамлакатга саккиз минг тонна, районимиз эса 60 минг тоннага яқин «оқ олтин» берди.

Мамлакатимиз 8 миллионли пахта маррасидан муваффақиятли ҳатлаб ўтиб, тўққиз миллионли марра сари дадил олға бормоқда, пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни олиб турибди. Ҳозирги вақтда социалистик мамлакатларнинг, 15 тадан кўпроқ капиталистик давлатларнинг тўқимачилик корхоналари совет толаси билан ишлаб турибди, чунки уларнинг ҳаммаси пахтани ҳар доим бизнинг давлатимиздан сотиб олишади.

Бу ютуқларнинг сири нимада? Аввало шундаки, фидокорлик билан меҳнат қилмоқдамиз. Илгари, қадим замонларда ҳам деҳқонларимиз қаттиқ меҳнат қилишар эди. Ҳозирги ҳосил инсон меҳнати, илмий изланишлар, техника муваффақиятли қўлланилаётганлиги бир-бири билан қўшилиб бераётган самара десак бўлади.

Улуғ Ленин бутун Совет мамлакати учун юз минг трактор бўлса эди, деб орзу қилганди. Ҳозир фақат Ўзбекистоннинг ўзида 200 мингдан кўпроқ трактор, 30 мингта пахта териш машиналари, ўн мингдан кўпроқ сеялкалар, культиваторлар ва бошқа механизмлар ишлаб турибди.

Лекин кейинги йилларда пахтачиликда рўй берган сифатли силжишлар фақат механизация билан белгиланаётгани йўқ. Ер соҳада ирригация, химиялаштириш, илғор агротехника ва меҳнатни илмий ташкил этиш жуда катта роль ўйнамоқда. Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши учун кенг йўл очиб берган социалистик жамият қурилганлиги, бир вақтлар қолоқ бўлиб келган районларда қишлоқ хўжалигини юксалтиришни тезлаштириш имконини берган партиянинг доно аграр сиёсати натижасида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг мана шу воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлиб қолди. Ҳозирги замон деҳқонининг камол топишида Улуғ Октябрнинг ролини қайд қилиб ўтиш ҳам айниқса муҳим.

Колхозлар ва совхозларда ғоят онгли, малакали пахтакорлар, ердан олиш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини ола биладиган чинакам соҳиблар ўсиб етишди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев мана шундай кишилар тўғрисида самимият ва оталарча меҳрибонлик билан бундай деган эди: «Совет кишилари Ўзбекистоннинг меҳнатига баҳо бераётганларида, унинг сергайрат ва моҳир пахтакорларини ҳар доим яхши сўзлар билан эсга оладилар. Мўл ҳосил етиштириб уни териб олиш учун пахтакор нақадар қаттиқ меҳнат қилаётганлигини, ўз ишига нечоғлик кўп меҳр қўйганлигини биламиз».

Совет пахтачилигининг ривожланиш тарихи, омоч ва тракторга, пахта териш машинасига, қашшоқлик ва деҳқонларнинг ёппасига саводсизлигидан бахтли ва бадавлат турмушга, эски қишлоқнинг гувала вайрона кулбаларидан электрли, газли, водопроводли уйлари, ҳашаматли маданият саройлари бўлган посёлкаларга олиб келган йўлдир. Мамлакат олаётган 8 миллион тонна «оқ олтин» ҳозир мана шу йўл босқичларидан биридир.

Сирдарё области.
(«Правда» газетаси, 5 ноябрь).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН САБОТ БИЛАН ҚУРАШИНГИЗ, ХЎЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИНГИЗ! ЕР, ТЕХНИКАДАН, МЕҲНАТ ВА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОМИЛКОРЛИҚ БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

Гиламлар жилоси

Шофиркон гилам тўқиш фабрикасининг меҳнатсевар ишчилари ва мутахассислари якунловчи йил маррасини барвақт эгалладилар. 456 минг ўрнига 460 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ранг-баранг ва сержило гиламлар тўқишни кўпайтиришда Э. Ярашева, Г. Саъдуллаева, Х. Шодиева, С. Сафарова сингари ишчилар алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Гиламдўзлар корхона шуҳратига-шуҳрат қўшиш учун курашиб, маҳсулотлар сифатини яхшилаб бормоқдалар. Йил охригача фабрика меҳнат аҳли камида 90 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш учун мусобақани авж олдиряпти.

О. НАЗАРОВ.

Байроқдорлар

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида Тошкент ғалла қабул қилиш корхонаси ва Янгийўл тегирмон заводи коллективлари ғолиб чиқди. Учинчи квартал якунларига кўра, бу корхоналар СССР Тайёрлов министрлиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофотини қўлга киритдилар. Бу коллективлар беш йиллик планни бажардилар.

Ҳ. МИРСУЛТОНОВА,
муҳандис.

Сўз — турли касб эгаларига

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

Тўхтамурод ЖУРАЕВ,

Узбекистон ССР Фанлар академияси М. Т. Урозбоев номли механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлилиги илмий-тадқиқот институтининг директори:

— Бугунги кунда Совет Шарқида кўзгу бўлган бизнинг республикамизда ҳам фан-техниканинг беқиёс юксалишида Улуғ Октябрнинг буюк роли бор. Буни биргина бизнинг институт мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Илмий муассасамизда асосан уч йўналишда — иншоотлар мустаҳкамлиги ва сейсмик чидамлилиги, аэрогидромеханика, механизмлар ва пахта териш машиналари назариялари бўйича тадқиқотлар олиб борилянти.

Иншоотлар мустаҳкамлилиги назарияси бўйича ўтказилган изланишлар натижалари ер ости ва ер усти иншоотлари чидамлилигини таъминлаш мақсадида лойиҳачиларга таклиф ва тавсия сифатида берилди.

Механизмлар ва пахта териш машиналари назарияси бўйича олиб борилган изланишлар қувончли натижалар бермоқда. Машинанинг ишчи органи — таркибий шпинделнинг яратилиши ва ҳаётга йўлланма олиши катта иқтисодий самаралар бераётир. Ҳозирги вақтда хўжаликларда таркибий шпиндель ўрнатилган юздан зиёд пахта териш машинаси ишлаб турибди.

Бўлардан ташқари институтимиз олимлари томонидан чигитни туксизлантиришнинг аэрохимия усули яратилди. Эндиликда ана шу тадқиқотлар натижаларига асосланиб республика «Узглавмеханизация» бирлашмаси ва 4-лойиҳалаш давлат институти чигитни туксизлантириш тажриба-саноат цехини жиҳозлаш лойиҳасини яратдилар. Тўққизинчи беш йиллиқда жами 15 та илмий тема ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 34 та иш эса тадбиқ этишга топширилди. Институтимиз коллективи механика масалалари бўйича фундаментал тадқиқотларни кенгайтиришга ва уларнинг натижаларини халқ хўжалигига тезкорлик билан жорий этишга катта эътибор бермоқда.

ОЙДИН ЙЎЛ

Содиқ МИРАҲМЕДОВ,

В. И. Ленин номли Ленин орденли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

«Оқ олтин» ўлкаси бўлган Ўзбекистонимиз пахта етиштириш бўйича Совет Иттифоқидагина эмас, балки бутун дунёга донг таратганлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк самарасидир. Жонажон Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсатининг амалдаги тантанасидир.

Республикамизда ғўза селекцияси ва уруғчилиги соҳасида катта ишлар қилинди. Утган давр мобайнида ғўзанинг қушандаси бўлган вилт-оқпалак касаллигига чидамли ғўза навларини яратиш борасида улкан изланишлар олиб борилди. Ғўзанинг кўплаб янги навлари яратилди. Айни вақтда ғўзанинг ва бошқа кўплаб экинларнинг офати бўлган вилт замбуруғининг ҳам мослашиш даражаси ортиб бораверди. Бунинг оқибатида бешинчи марта нав алмашинуви зарурати туғилди. 1969 —1970 йиллардан бошлаб «Тошкент» навлари асосий майдонни эгаллади. Бу навлар толасининг узунлиги, серҳосиллиги, эртапишарлиги, ғўзанинг ёвуз душмани — вилт касаллигига чидамлилиги жиҳатидан шу вақтгача экиб келинаётган барча навлардан устунлиги билан пахтакорларимизга манзур бўлди, жаҳон пахтачилигида довруг қозонди.

Юқорида айтилган беш марта нав алмашинуви натижасида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 12,2 центнердан 30,8 центнерга кўтарилган бўлса, тола узунлиги 26 — 28 миллиметрдан 32 — 35 миллиметрга, тола чиқиши 25 — 29 процентдан 35—38 процентга, ҳар бир кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 3 — 3,5 граммдан 6,5 — 7,0 грамм, ҳатто 8-9 граммга етди. Ғўзанинг вилт касаллигига чидамлилиги ўн баравар ортди. Шу мисолларнинг ўзиёқ оқ пахтамиз ойдин йўлга тушиб олганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Жуда кўҳна тарихга эга бўлган ғўзанинг янада тезпишар, серҳосил, узун толали, иссиқ ва совуққа, вилт касаллигига чидамли, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ янгидан-янги навларини яратиш бўй, селекционерларнинг Ватан ва партия олдидаги муқаддас бурчимиз.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Мустафоқул УМРЗОҚОВ,

Жиззах областидаги Ҳамид Олимжон номли 31-қўриқ совхоз директори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Совхозимиз Жиззах чўлида ташкил топган ёш хўжаликлардан бири. Мана тўртинчи йилдирки, пахтакорларимиз янги хўжалик бағрида, чўл қўйнида Улуғ Октябрь байрамини янги ғалабалар билан нишонламоқдалар. Ҳар сафар Октябрнинг шонли байрамини социалистик мажбурият шартларини бажарган ҳолда кутиб олишга одатланиб қолганмиз. Бу йил ҳам шундай бўлди. Жиззах даштидан юлиб олинган қариб 2 минг гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдамиз. Экин майдонларимиз йил сайин 300 — 400 гектарга кенгайиб бормоқда. Демак, пахтачилик истиқболи порлоқ. Янги қўриқ ерлар мўл-кўл «оқ олтин»а конига айланиб бормоқда.

Улуғ Октябрнинг шонли 58 йиллик байрами арафасида ҳосил хирмонимиз пландаги 16 центнер ўрнига 25 центнерга етди. Она-Ватанга пландаги 2510 тонна ўрнига қариб 3,5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Илғор бригадаларда ҳосил чўғи янада баланд бўлди. Босим Жонузоқов, Боймурод Лапасов, Икром Жўраев, Нормат Раҳматов, Ҳасан Мамиров, Омон Курбонов, Саримсоқ Мамараҳимов, Саноқул Тўрабеков ўртоқлар етакчилик қилган бригадаларда ҳосилдорлик 30 — 35 центнерга етди. Эндиликда улар 40 — 45 центнерлик маррани кўзлаб, курашни қизғин давом эттирмоқдалар.

Ҳосил хирмонига механизаторлар қўшган ҳисса айниқса баракали бўлмоқда. Абдулла Эшназаров, Йўлдош Содиқов, Тўлан Хўжамбердиев, Раҳим Аҳмедов ва бошқа дала гвардиячилари бошқарган «зангори кемалар» бункеридан эл хирмонига 140 — 160 тоннадан «оқ олтин»а тўкилди. Совхозимиз механизаторлари ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналарда йиғиб-териб олишга сўз бериб, юксак аҳда яраша муносиб меҳнат қилмоқдалар.

РАЙКОМ СЕКРЕТАРИ

Улмас УМАРБЕКОВ.

Езувчи Улмас Умарбековнинг янги қиссаси шундай деб аталади.

Асар қишлоқ меҳнаткашлари, уларнинг авангард отряди — коммунистлар ҳаётига, партиямизнинг қишлоқларимиз қиёфасини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида олиб бораётган фидонорона меҳнатига бағишланган. Қуйида шу қиссадан парча ўқийсиз.

Усмонов Бодомсойдаги биринчи иш кунига пухта тайёрланди. Қиладиган ишларини ҳатто соатма-соат белгилаб чиқди. Аввало райком ходимлари билан танишади. Ҳар бир бўлимнинг қилаётган ишини кўради, кейин конференция қарори, маърузага чиққанларнинг сўзларини яна бир бор ўқиб чиқади. Райкомнинг иш плани, бюрога қўйиладиган масалалар, уларни ким тайёрлаётгани билан бафуржа танишади ва шуларга қараб, хўжаликларга бориш тартибини мўлжаллаб чиқади. Бир иш куни учун бу масалалар етарли эди. Режасидан мамнун бўлиб, Усмонов кўчага чиқди.

Район ижроия комитетининг раиси Қудрат Содиқовнинг 6-совхознинг янги коттежларидан бирига кўчиб кириш ҳақидаги таклифига қарамай, Усмонов район меҳмонхонасидаги икки хонали номерга жойлашган эди. Унинг назарида, ҳар томонлама шу ер қулай ва райкомнинг биқинида эди. Коттежга келганда совхоз ишчилари учун қурилган уйга тайёрга айёрдек кириб олишни эп кўрмади. Албатта, алоҳида уй керак. Айниқса, ҳозир, кўпайишадиган бўлиб турганда. Чақалоқ билан Ҳафизага энди алоҳида хона керак эди. Бундан ташқари, Усмоновнинг ўзи кўпдан бери кутубхона, иш кабинетини орзу киларди. Орзуси шаҳарда амалга ошмади. Институт берган икки хонали секциядя уч киши туришарди. Умиди чақалоқда эди. У туғилиши билан ҳозирги уйларини уч хоналик секцияга алмаштириш ниятида эди. Бодомсойда эса, у қали бир ҳафта ҳам ишлагани йўқ. Бирор йил ўтгач, шаҳар уйини биронта одам билан алмаштиради. Ҳозирча эса, меҳмонхонада туради. Унинг қарорига Ҳафиза ҳам, онаси ҳам қўшилишди. Усмоновнинг тинчлиги улар учун ҳар қандай шароитдан муҳим эди. Бунинг устига, масаланинг яна бир нозик томони бор эди. Мастура опанинг 35 йилдан сўнг, эридан бевақт ажраган жойга бориши, ярасини янгилаши ниҳоятда оғир эди. Бу ҳақда оғиз очишга Усмонов ботинмади. Аяси эса, ўзича ҳеч нарса демади. Бу масалада ҳам Усмоновнинг умиди туғилажак чақалоқда эди. Бола бутун губорларни ювиб туриши мумкин эди. Шунинг учун Усмонов уй-жой ташвишини йиғиштириб, фикр-зикрини ишга қаратди.

Райком биносига етганда юраги яна бир тўлқинланиб кетди. Аммо, бу тўлқинланиш катта бир довон ошишга тайёр турган одамнинг тўлқинланиши эди. У муздек ҳаводан симириб чуқур нафас олди-да, оҳиста, лекин енгил қадам ташлаб зинадан кўтарила бошлади. Аммо энди узоқ йиллар ўз уйидек қадрдон бўлиб қоладиган, ҳозирча кўнгилсиз қийин бўлган бу бинонинг иккинчи қаватига кўтарилгач, тун бўйи мижжа қоқмай тузиб чиққан режалари барбод бўлди. Райком секретари сифатидаги биринчи иш куни кутилмаган воқеадан бошланди.

Қабулхонада сочлари тўзғиган, омонатгина рўмол боғлаб олган барваста бир аёл қўлларини пахса қилиб секретарь қизга ўшкирарди:

— Мен сенга милисани кўрсатиб қўяман! Узингни милисага юбориш керак, такасалтанг! Мени эримнимас! Шим кийиб олиб, маслаҳат берадиган бўб қолдингизми энди, зорманда!..

— Нима гап ўзи? — ҳайрон бўлиб сўради Усмонов.

Секретарь қиз йиғламоқдан бери бўлиб унга юзланди.

— Манави аёл... Уйларида жанжал бўлган экан.

— Аёл уни гапирганн қўймади:

— Вой, тўтиқуш! Ҳали «манави аёл» бўлиб қолдимми сенга!? Эллик йилдан бери Салтанатмаи! Бешик тўйингга бош-оёқ сарпо қилиб берганман-а, яшшамагур!..

Усмонов аёлга эътибор бермай, секретарь қиздан сўради:

— Ҳўш? Нима бўлди?

— Уйларида жанжал бўлган экан... — ўпкаси тўлиб гапирди секретарь қиз. — Ўртоқлари билан... Милицияга боринг, десам мени уришяпти-лар. Секретарлар керак, дейдилар. Козим Бурхонович ҳали келганлари йўқ. Илгари қабул қилган эдилар.

— Баҳорда, — кўшиб қўйди аёл. — Ушандан бери уйим жаннат эди. Бир кунда дўзах бўлди-қўйди.

— Қани, ичкарига киринг,— таклиф қилди Усмонов фамилияси ёзиб қўйилган эшикни очиб, «қачон улгуришди экан!», ҳаёлидан ўтди унинг ичкарига кирар экан.

— Дамир Усмонович, ҳозир Козим Бурхонович ўзлари келиб қоладилар, сиз...

Усмонов секретарь қизнинг нима демоқчи эканини тушунди.

— Ҳечқиси йўқ.

— Сен аралашма! — дўқ қилди аёл.

— Қани, ўтиринг, опа.

Усмонов эшик орқасида турган вешалкага пальто, телпагини илиб, анчагина узун кабинет тўридаги ёзув столини айланиб ўтиб, буралма креслога ўтирди.

— Эрталабдан ниманинг жанжалини қилиб ўтирибсиз, Салтанат опа?

У жилмайиб аёлга боқди. Аёл унинг исмини айтиб мурожаат қилганидами ё кабинетнинг салобати босдими, бирдан уялиб, келинчаклардек бошини эгди.

— Йўқ, ўртоқ... секретарь. Улибманми жанжал қилиб. Малоҳатхон девор қўшним. Шунчаки ҳазиллашдим-да... Ўзингиз эсон-омонмисиз?

Усмонов ўзини эўрга кулгидан тийди:

— Раҳмат. Хўш, келинг?

— Мен... — аёл тутилиб қолди. — Мен арзимаган бир иллимос билан келдим. Илгарилариям келиб турардим. Барака топсинлар, ўртоқ Бурхонов. Жуда яхши қабул қилардилар. Бугунам шу иллимос билан келганман. Эртароқ кепқопман. Малоҳатхон, сингилим билан гаплашиб туриб, озгина нервинчит қилдим. — Аёл уялган бўлиб, рўмолининг учи билан юзини беркитган бўлди. — Баъзи-баъзида шунақа, озроқ нервинчит қилиб тураман. Илгари дунёни сел олса ҳам тўпиғимга чиқмасди. Поччангиз списалис бўлдилар-у, шу касалга чалиниб қолдим.

— Нима бўлдилар? — тушунмади Усмонов.

— Списалис!..

Усмонов «бу нима деганингиз?» деб сўрамоқчи эди, аёлнинг ўзи изоҳ берди.

— Машина тузатадилар. Ҳар-хил машиналарни. Ҳалиги хўкиз сурати солинганидан тортиб, инвалид машинагача. Илгари тупла-тузук эдилар. Грузовой ҳайдаб юрардилар. Уч йил бурун машина тузатадиган идора очилиб, шундай бозорнинг орқасида, шунга списалис қилиб чақиришди. Шундан бери, ўртоқ секретарь, азобдаман. Машинаси бузуқлар ҳам кўп экан. Тиним йўқ. Уйга ҳам келишаверади. Шунданми дейман, ўзгариб қолдилар. Ичадилар, кўчада етмагандек, уйга олиб келиб ичадилар. Каладопка шишага тўлиб кетди. Ичсалар, келиб ётсалар — майли эди. Болаларни тинч қўймайдилар. Менгаям... тегишадилар. Барака топкур ўртоқ Бурхонов кўп яхшилик қилдилар. Гапга кулоқ солдилар. Бир ойдан кейин яна боягидек... Ичволиб, ҳеч кимга тинчлик бермайдилар. Кеча у ёқ, бу ёғимдан ўтиб кетди. Кенжамиз Юсуфбек худди дадасига ўхшаб машина жинниси. Кеча ўкишдан икки олиб келибди. Биттамас иккиси, мен сизга айтсам. Шуни уришиб турсам, хамир ёйиб, келиб қолдилар қийшайиб. Бир чакиримдан биламан ичганларини. Инвалсалар, яхши кўрган ашулаларим бор, оёқ етгунча кетгайман деган. Тиллари айланмасаям, шуни айтганлари-айтган. Шуни айтиб кириб келиб қолдилар. Тагин чўнтакларигаям битта шишани солиб олибдилар, оғзи чиқиб турибди. Мендан бекитмокчи бўлиб ёнлариминдан юриб келяптилар. Авал тишимни тишимга қўйдим. Кейин бўлмади. Списалис бўлсаларам мени кўкрагимдан келадилар. Ўтирган жойимда қўлимдаги ўқлоғи билан сонларига бир урувдим, чўнтакларидаги шиша чил-чил бўлиб синди. «Их» деб чўнтакларига қўл солувдилар, қўлларини шиша тилиб кетди. Ана бўлди тўполон, бўлди тўполон!.. Сан кимни урдинг-а?! Сан кимни қонини тўкдинг-а?! Сан списалисси қонини тўкдинг! Кимсан ўзинг? Битта шпингалатсан! — деб шердек ташландилар устимга. Қочдим. Ховлини айлантириб қувдилар. Менга бу алам қилмайди, ўртоқ секретарь. Қувсалар қувибдилар, ўзимни эрим... Шпингалат деганларига чиндолмайман. Бешта болани катта қилиб, энди шунақа ном орттирдимми?! Йиғладим, кечасимнинан йиғлаб чиқдим. Мени бу ҳақоратдан халос қилинг, ўртоқ секретарь... Малоҳат бўлса, милисага боринг, дейди. Эсимни епманми бориб?! Милиса гаплашиб ўтирармиди, шартта қамайди! У кишини гапминан тарбия қилиш керак, қамабмас.

Ўртоқ Бурхонов икки-уч марта гаплашдилар, минг раҳмат, бўлка нондай бўп қолувдилар ўшандан кейин. Ҳозир яна айнидилар... Мен сизга айтсам, ўртоқ секретарь, сизнинг ҳам мартабангиз ўртоқ Бурхоновдек бўлсин, поччангиз...

— Фамилиянгиз нима? Уни бўлди Усмонов аёлнинг дардига тушуниб. «Поччаси»нинг қиёфасини ҳам кўз олдига келтирди.

— Фамилиям Шодмонқулова, — ҳозиржавоблик билан деди аёл. — Эллик иккига кирдим. Ун олтинчи яслида сменний ошпазман. Бир боринг, ўртоқ секретарь. Мен қилган овқат болалардан сира сиртиб қолмайди. Болаларниям ўзи қўғирчоқдек қилиб қўйганмиз. Ота-оналари бирам хурсанд, бирам хурсанд!..

— Албатта бораман, — ваъда қилди Усмонов. — Эрингизнинг фамилияси-чи?

— Вой мен у кишини фамилаларидаман. Узимни қизлик памил ҳақ... нимайди?.. Пармонова! — гурур билан айтди аёл.

— Исмлари-чи?

— Поччангизними?

— Ҳа. Сизнинг исмингизни биламан.

— Полвонқулака.

Усмонов яна кулиб юборай деди. Кичкинагина эридан шикоят қилиб келган забардаст аёл қандайдир меҳр ва ҳурмат билан эрининг исмини тилга олган эди.

ИСТАК ВА ОРЗУ

Халима НОСИРОВА,
СССР халқ артисти.

Ўзбек совет санъати эллик саккиз йил ичида мисли кўрилмаган даражада ўсди, равнақ топди. Жанр ва мазмун жиҳатидан ранг-баранг товланди, жилоланди. Бугунги кунда унинг жамоли олис-олислардан кўзга яққол ташланиб турибди. Унинг мамлакатимизга, ҳатто, жаҳонга машҳур арбоблари бор. Миллий санъатимизнинг бундай юксакликка эришуви, шубҳасиз, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг буюк шарофати, коммунистик партия ва совет ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрлиги самарасидир.

Улуғ айём кунларида санъатимиз истиқболи эгалари бўлган ёш дўстларимга икки оғиз истак билдирмоқчиман. Ўзбек совет санъатининг бошловчилари ва байроқдорлари нафис гул парвариш қилиб, вояга етказдилар. Ана шу гулни асраб-авайлаб уни янада яшнатиш, бўйини узоқ-узоқларга таратиш ёш санъаткорларимизнинг фахрли бурчи ва вазифаси бўлмоғи лозим. Улар ижодий муваффақиятсизликлардан чўчимай танқиддан ўринли хулоса чиқариб, ўрганиб, атоқли совет санъаткорларининг ижодини кузатиб, халқ қалбига қулоқ тутиб, масъулиятни чуқур, дилдан ҳис этиб, фақат ва фақат изланишни шиор қилиб, ҳақиқий санъат асари яратиш ишқида бўлсалар айни муддао бўлур эди.

ТОШКЕНТИМИЗ ЖАМОЛИ.

И. Глауберзон фотоси.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватанимиз қудратини ва халқ фаровонлигини муттасил ўстиришнинг негизи социалистик экономикани янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

БАЙРАМ АХБОРОТИ

ОИЛАВИЙ НОНУШТА

ТОШКЕНТ.

Қутлуғ айёмга пазандалар-у, қандолатчилар ҳам алоҳида тайёргарлик кўришган. Кеча моҳир ошпазлар билан ширинликлар тайёрлаш усталари катта байрам ош» дамлаб, кабоб учун қўраларга чўғ босдилар. Театр майдонида очилган шаҳар савдо-кўргазмасидаги дид билан тайёрланган турли егуликлар, пиширириқлар, қанду новвотлардан уй бекалари мамнун бўлишди.

Байрамни қўпчилик оилада, дўстлар даврасида, коллективда ёқуд табиат қўйнида нишонлайди. Республикада энг йирик ошхона — «Зарафшон» ресторанида эса, бу борада янгича тадбир қўлланилди. «Оилавий нонушта» деб ўритилган ўзига ҳос зиёфат дастурхони тевирагида ота-оналар болалари билан жой олишлари мумкин. «Оилавий нонушта»га буюртма берганларга пазандалар қатори қўшиқчилар-у, цирк артистлари хизматда бўладилар.

«ИНТИҚОМ» САҲНАДА

БУХОРО.

С. Айний номли область музикали драма ва комедия театри коллективи байрам арафасида яна бир спектаклни саҳналаштириб томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Театр саҳнасида қўйилаётган Улмас Умарбековнинг «Комиссия», Иброҳим Раҳимнинг «Жоним фидо», Корнейчукнинг «Қалб хотираси» спектакларини томошабинлар яхши кутиб олгандилар. Яқинда эса ёзувчи Жалол Икромийнинг Бухорода халқ инқилобига бағишланган «Олов қизи», «Бухоронинг 12 дарвозаси» асарлари асосида саҳналаштирилган «Интиқом» драмасининг премьераси бўлди. Асарни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Акбоиров саҳналаштирган. Бош ролларни театрнинг етакчи артистлари ижро этишмоқда.

«ОЛМАЗОР» ИЧИМЛИГИ

ЧЕЛЯБИНСК.

Республикамиз боғ-роғларида етиштирилган ноз-неъматлар мамлакатимизнинг Узоқ Шарқ ва Сибирь ўлкаларига юборилиб турилибди. Узбекистонликлар юбораётган турли маҳсулотлар орасида олхўри, олма, помидор, бодринг консервалари ҳам бор. Консерваларнинг сифатлилиги биз челябинскликлар» ниҳоятда қувонтирмоқда. Шаҳар магазинларида яқиндан бошлаб Узбекистонда тайёрланган ажойиб «Олмазор» ичимлиги пайдо бўлди. Бу ичимлик безакли шишаларда тайёрланган бўлиб, байрам дастурхонимиз кўркига-кўрк қўшади.

ПАРХЕЗ КОМПОТИ

ҚАШҚАДАРЕ.

Шаҳрисабз консерва заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари аҳолига 30 дан ортиқ консерва маҳсулотлари етказиб бермоқдалар. Тайёрланаётган консерваларнинг сифати учун турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Айём арафасида заводнинг яна бир маҳсулотига — пархез компот консерваси учун давлат «Сифат белгиси» берилди. Бу билан «Сифат белгиси» олган маҳсулотлар сони тўрттага етди. Шу кунларда аҳолига маъқул тушиб қолган бундай компотлардан кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

ТУҚИМАЧИЛАР «ЛОЛА»СИ

НАМАНГАН.

Тўқимачилар шаҳрининг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Яқин вақт ичида 12 та 44 хонали уй-жой, 2 та 280 ўринли болалар боғчаси, мактаб ҳамда шойи газламалар комбинатининг 320 ўринли шифохонаси бинолари қад ростлади. Тўқимачилар байрам арафасида бинокорлардан яна бир совға олишди. «Облремстрой» трестининг 151- қурилиш участкаси бинокорлари «Лола» кинотеатрини фойдаланишга топширдилар. Абдулҳай Саматов бошлиқ бригада бинокорлари 400 ўринли кинотеатр биносини тез ва соз қуриб, муддатидан икки ой аввал битказдилар. Тўқимачилар Улуғ Октябрга бағишланган бадиий фильмларни «Лола» экранида томоша қиладиган бўлдилар.

БИНОКОРЛАР ТУҲФАСИ

ТОШКЕНТ.

Улуғ байрамга бинокорчилар ҳам муносиб туҳфа ҳозирлашди. Айём арафасида 1- уйсозлик комбинатининг 2-монтажлаш бошқармаси бинокорлари Чилонзорда жами 240 квартирали бешта бинони фойдаланишга топширдилар. Байрам кунлари самолётсозлар шаҳарчасининг 1-А кварталида фойдаланишга топширилган 12 янги бинода 664 оила ҳовли тўйи ўтказадиган бўлди.

ҚИРҚ МИЛЛИОНИНЧИ

ТОШКЕНТ.

Тошкент автовокзалидан Олмаота, Фрунзе, Ленинобод, Жамбул, Самарқанд, Бухоро ва Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистоннинг 99 аҳоли пунктига автобуслар қатнаб турадн. Улуғ Октябрь байрами арафасида мазкур вокзалда ўзига хос тадбир нишонланди. Шаҳарнинг Шастри кўчасида жойлашган автостанциядан Чимёнга борувчи автобусга 40 миллиониичи йўловчи тантанали кузатиб қўйилди. Йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш борасида тинмай изланишлар олиб бормоқда. Янги маршрутлар очилмоқда. Жумладан «Самарқанд» автостанциясидан Қизил Ўрдагача машиналар қатнови йўлга қўйилди.

ЯЙПАНЛИКЛАР МАМНУН

ФАРҒОНА.

Яйпан яқинидаги Қизилқақир қишлоғи хонадонлари табиий газ билан таъминланди. Яйпаннинг ён қишлоғи Нурсух ҳам арзон ёқилғидан «бахраманд» бўлиб турибди. Ҳозиргача шу қишлоқнинг Оталиқ, Кўрғонча, Кенагаз, «Комсомол 50 йиллиги» каби 15 га яқин маҳалласида балонли газдан фойдаланилмоқда. Яқин орада бу ерларга ҳам табиий газ қувурлари ўтказилади.

ХОНҚА САБОЛАРИ

(Хоразм область Хонқа районидаги «Правда» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қилич Давлатовга)



Туроб ТЎЛА,
Пўлат МУМИН.

«КОСМОС-778» ПАРВОЗДА

1975 йил 4 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-778» учирилди.

Йўлдош бортида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

«КОСМОС-779» УЧИРИЛДИ

1975 йил 4 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-779» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази йўлдошдан олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

КОМИЛ ОТАНИЁЗОВ

Ўзбек совет санъати оғир мусибатга учради. Узбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Комил Отаниёзов узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг 5 ноябрда вафот этди.

Талантли хонанда, таниқли музикачи ва совет воқелигимизни тараннум этувчи, куйлагина ажойиб қўшиқларнинг муаллифи, республика музика маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган актив санъат арбобларидан бири орамизда кетди.

Комил Отаниёзов 1917 йилда Хоразм областининг Шовот районида деҳқон оиласида туғилди.

К. Отаниёзовнинг ижодий йўли 1936 йилда район театрида бошланди. Бу ерда у артист, сўнгра режиссёр бўлиб ишлади. У 1943 йилда Хоразм область музикали-драма театрига келди. Бу ерда у артист, хонанда ва музикачи бўлиб саҳнага чиқди.

К. Отаниёзов Ҳамза номли Тошкент музика билим юртини томомлаб чиққанидан кейин Ўзининг ижодий ишларини М. Қорнейчуков номли Ўзбек давлат филармониясида вокалчи-сўнгра ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари бўлиб давом эттирди. Бу ерда унинг хонандалик, музикачи ва муаллифлик таланти гуллаб яшнади. Унинг ўзбек поэзияси ва қардош адабиётлар классикларининг сўзларига ёзган қўшиқлари кенг тарқалди. К. Отаниёзов ўзбек совет шоирларининг сўзларига ғоявий-бадиий жиҳатдан ҳароратли қўшиқлар яратиш бинан республика бадиий коллективлари ва айрим ижрочиларнинг концерт программасини бойитди. У «Азиз ва Санам» музикали драмасининг муаллифи эди. Унинг ижрочилик маҳорати юксак профессионализм ва чуқур халқчиллиги билан ажралиб турар эди. К. Отаниёзов қайта ишлаб чиққан ва ўзи яратган музика ёзувлари оригинал музика асарлари яратиш учун жуда бой материал бўлиб хизмат қилади.

К. Отаниёзов ўзининг жуда кўп куч ва ғайратини жамоат ишларига сарфлади, пахтакорлар даврасида тез-тез концертлар бериб турарди. Ўзининг бой ижодий тажрибасини ёш ижрочилар билан бахам кўрарди.

Қ. Отаниёзовнинг Ўзбекистон ва қардош республикалар музика маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлари юксак баҳоланди. У «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Узбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти фахрий унвонини олишга сазовор бўлди.

Комил Отаниёзов ўзининг бутун кўп қиррали таланти ўзбек совет санъатини ривожлантиришга сарфлаган ажойиб санъаткор сифатида хотирамизда сақланиб қолади.

О. У. САЛИМОВ, Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВА, М. Х. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Ғ. Н. НАЖИМОВ, Р. ЭШЖОНОВ, К. Р. РИЗАЕВ, Г. А. ЕҚУБОВА, Г. Н. ЗАГУРСКАЯ, К. ИСМОИЛОВА, Ҳ. НОСИРОВА, Г. РАҲИМОВА, ТАМАРАХОНИМ, М. ТУРҒУНБОЕВА, О. ХУЖАЕВ, О. ШОМУРОДОВА.

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

1975 йил, 30 октябрь № 108 Тошкент шаҳри

1975 йил 7 ноябрь паради тўғрисида

§1

1975 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 58 йиллигини нишонлаш юзасидан Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли майдонда соат 10.00 да Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг парадини ўтказиш белгиланган.

Парадни Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко қабул қиладн.

Қўшинлар парадига қўмондонлик қилиш менга топширилган.

§ 2

Қисмларнинг командирлари тасдиқланган расчетга мувофиқ равишда белгиланган вақтда линейиларни юборсинлар ва қўшинларни парадга олиб чиқсинлар.

Кийим формаси — ёзлик, парад формаси.

§ 3

Артиллерия салюти менинг кўрсатмаларимга мувофиқ равишда берилсин.

§ 4

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш юзасидан умумий раҳбарлиқни Тошкент шаҳри гарнизонининг ҳарбий коменданти полковник И. Д. Мацко зиммасига юклайман.

Округ қўшинлар қўмондонининг биринчи ўринбосари, Тошкент гарнизонининг бошлиғи генерал-лейтенант Ю. МАКСИМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

1975 йил 7 ноябрда, Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 58 йиллигини байрам қилиш куни В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради бўлади, параддан сўнг Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши ўтказилади.

Намойиш эрталаб соат 11 да бошланади.

Меҳнаткашларнинг намойишида қатнашадиган вакиллари ўз корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва ўқув юртлари бўйича белгиланган пунктларига тўпланадилар ва район колонналарига ўюшган ҳолда белгиланган маршрут бўйлаб В. И. Ленин номли майдон томон юрадилар.

Таклифнома билан келувчи кишиларни В. И. Ленин номли майдонга қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Шота Руставели, Узбекистон кўчалари ва В. И. Ленин проспектининг шаҳар марказий қисмида махсус рухсатномаси бўлган автомашиналардан ташқари барча транспорт ҳаракати эрталаб соат 7 да тўхтатилади. Бу кўчаларда транспорт ҳаракати меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг бошланади.

ШАҲАР БАЙРАМ КОМИССИЯСИ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1975—76 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА УРТА МАЪЛУМОТЛИ ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР, ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР — қурилишлар, ташкилотлар, алоқа ва транспорт корхоналари, колхозлар, совхозлар, саноат корхоналари ва ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан берилган йўлланма билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, йўлланма, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

Паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАТГАНЛАР ИНСТИТУТНИНГ I КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кундузги ўрта мактабни 1975 йилда тугатиб меҳнат стажига эга бўлганлар тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

ҲУЖЖАТЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тингловчиликка қабул қилиш суҳбат натижаларига қараб 25 ноябрдан ўтказилади.

ТИНГЛОВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, 24-хона.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА УРТА МАКТАБНИ 1974 ЕКИ УНДАН ОЛДИНГИ ЙИЛЛАРДА ТАМОМЛАГАН ВА КАМИДА 1 ЙИЛ ДАВОМИДА УЗЛУКСИЗ ИШЧИ ЕКИ КОЛХОЗЧИ БЎЛИБ ИШЛАГАН ИЛҒОР МЕҲНАТКАШЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИДАН БУШАБ КЕЛГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ЎҚИШ МУДДАТИ - 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлими тингловчиларни математика, амалий математика ва механика, физика, геология, география, химия, биология-тупроқшунослик, филология ва романо-герман факультетларига кириш учун тайёрлайди.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ РУЙХАТГА ОЛИШ 30 НОЯБРГАЧА УТКАЗИЛАДИ.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ректор номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, етуклик аттестати (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика; 286-формадаги медицина справкаси, 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмдаги) меҳнат (колхоз) дафтарчаси.

Қабул қилинганлар стипендия, эҳтиёжи бўлганлар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР - 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАМОМЛАГАН ТИНГЛОВЧИЛАР КОНКУРССИЗ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, 24-ётоқхона, 2-қават, 23-хона.

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.50 — ТОШКЕНТ. 17.55 — Мультфильм. 18.05 — Кичкинтойлар учун кўрсатув. 18.40 — **«Ахборот».** 18.55 — Ленинизм — давримиз байроғи. 19.10 — Концерт. 19.35 — **«Ахборот».** 19.55 — **Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 58 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш** 24.00 — **«Вақт» ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Телефильм. 11.45 — Киноальманах. 12.25 — Бадиий фильм. 17.50 — МОСКВА. 19.55 — ТОШКЕНТ. 20.25 — Кино оламида. 21.25 — Концерт. 22.00 — **Фавнулодда номиссар** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.30 — Концерт. 22.05 — **Қизил дипломат** (телеспектакль).

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Парвона,** 7/XI да **Олтин девор** (12.00, 16.00), **Қўрмайин босдим тиконни** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/XI да **Жоним фидо,** 7/XI да **Жон қизлар** (12.00), **Катта концерт** (16.00), **Кўнгли ёш қариялар** (19.30).

ШАПИТО ЦИРКИДА — **МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ. ЯНГИ ПРОГРАММА.**

Кино

Автомобиль, скрипка ва Клянса лақаби ит — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Бўлиши мумкин эмас — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Георгий Седов — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Ҳусумат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бўрилар галаси — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 01637. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 260.